


Бугун – Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

ХУРРИЯТ ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

Ҳар бир давлат суверенитетини белгилайдиган рамзлар бор. Давлат байроғи улар орасида алоҳида ўрин тутати. Зеро, байроқ халқнинг ўтмиши ва бугуни, мустақиллиги, тинчлиги ва барқарорлигининг тимсолидир.



Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилданоқ мамлакат суверенитетининг муҳим белгиси – Давлат байроғига эга бўлди. 1991 йил 18 ноябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бош қомусимизнинг 5-моддасида мамлакатимиз ўз давлат рамзи – байроғига эга бўлиши мустақам белгилаб қўйилган.

Ўн саккиз йилдан буён Ўзбекистон байроғи ҳар бир ватандошимиз учун фахр-ифтихор, йилдан-йил салоҳияти ошиб бораётган буюк давлатимизнинг миллий рамзидир.

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарида, чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳоний кўргазмаларда, спорт мусобақаларида Ўзбекистоннинг тимсоли сифатида ҳилпираб туради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, салоҳияти, хорижий давлатлар билан изчил ҳамкорлиги тобора ривожланмоқда. Зеро, Ўзбекистон ташқи сиёсати тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро тенглик тамойилига асосланган. Президентимизнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўша юрт қўчалари бўйлаб байроғимиз ҳилпирайди. Мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро аҳамиятга молик тадбирлар, саммитлар, анжуманлар, спорт мусобақаларида байроғимиз баланд

қўтарилади. Буларнинг барчаси Ватанимиз шаъни, халқимиз гурур ва ифтихорининг ёрқин ифодасидир. Давлатимиз байроғида акс этган ҳар бир ранг, белги юртимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, бебаҳо қадриятларимизни, Ватанимизнинг буюк келажагини ифода этади.

Байроғимиздаги мовий ранг мусавфо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни акс эттиради. Оқ ранг азалдан поклик, беғуборлик, гўзалликни ифодалаб келган. Яшарли ва янгиланиш рамзи, шунинг барбарада она табиятимиз тимсоли бўлган яшил ранг жаннатмонанд юртимиз тароватиға қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томири-мизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётини қудрат ва бардавонлик нишонидир.

Байроқдаги ҳиллол ва ўн икки юлдуз чуқур маъно-мазмунга эга. Зотан, янги ой, кексаларимиз ният қилганидек, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарорлигининг ифодасидир. Юлдузлар эса беғубор само, ўн икки ой, ўн икки бурж белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқлар томонидан ҳурмат қилиниши қонунга асосан муҳофаза қилинади.

Дунёда миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп, лекин Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона. Ана шу байроқ остида давлатимиз раҳбири раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида, эзгу мақсадлар сари олға бораверамиз.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎА шарҳловчиси.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида "Ошқоралик ва очкилик – сайлов кампаниясининг асосий принциплари" мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси, Миллий телерадиокомпанияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари билан ҳамкорликда, мазкур жараёнда демократик тамойиллар устуворлигини бекум қўш таъминлашда журналистлар зиммасида жуда катта масъулият борлигини алоҳида қайд этиди. Журналистларнинг бундай муҳим сиёсий воқеаларида янада фаол бўлишга, сайловга оид жараёнларни ёритишда ҳолислик ва тенглик тамойилларига қатъий амал қилишга чақирди.

Семинар мавзуси доирасидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Ходжаев, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Қўлман Очилов, республика журналистлар уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомидин Махмудов ва бошқалар ўз маърузалари билан қатнашиб, иштирокчиларни қўзғитириган саволларга атрафлича жавоб қайтардилар.

Ўз мухбири.

Лондонда "Шарқ дурдонаси" Ўзбекистон-Британия сёллар маданият ва бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир Буюк Британиянинг "The Haven Wolverhampton" нодавлат хайрия ташкилоти томонидан Республика "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамда "Сабр" ижтимоий-иқтисодий тараққиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.


ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН- БРИТАНИЯ АЁЛЛАР ФОРУМИ

Анжуманда Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги ва Парламенти, бир қатор етакчи халқаро хайрия ташкилотлари, иқтисодий, эксперт ва санъат доиралари ҳамда дипломатик корпораси вакиллари иштирок этишди.

Британия-Ўзбекистон жамияти президенти лорд Ф. Понсонбей Форум Буюк Британия ва Ўзбекистон хайрия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлигини ривожланиши ва икки томонлама алоқаларини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. У Британия-Ўзбекистон жамияти маданият ва иқтисодий соҳасидаги алоқалар ривожининг самарали механизмига айлангани ҳолда, жадал суръатда ўз сафини кенгайтираётганидан мамнун эканини изҳор этди.

Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчиси О. Акбаров ўз маърузасида аёлларга ҳурмат ва уларга гам-хўрлик Ўзбекистон жамиятида асосий устуворлардан бири саналишини қайд этди. Иштирокчилар эътибори Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Аёлни эъзозлаш оила, Ватан ва ҳаётини эъзозлаш демократия" деган сўзларига қаратилди. Таъкидландики, ўзбек халқи тарихининг барча замонларида аёллар нафақат ижтимоий ва маданий ҳаётда, балки давлат ишларида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

"The Haven Wolverhampton" нодавлат ташкилоти директори К. Риз ва "Сабр" ижти-



КАСБГА САДОҚАТ

Олмалик кон-металлургия комбинати жамоаси Ўролбой Холқуловнинг ўз ишига садоқатига қўйилди. Бу бежиз эмас. У салкам 30 йилдан бери комбинат тасаруфидида рух заводи электролит цехи эри-тувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Шу йиллар давомида ҳам қувончи, ҳам маънавий қатъият билан ишлаб келмоқда. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам касбини ардоқлаб, садоқатини намойиш этиб келди. Танлаган касбининг эътидан тўтиб қетишда устози Михаил Носировнинг ўрни катта бўлди. Устой-нинг ўғиллари, йўл-йўриқлари йиллар давомида Ўролбой Холқуловга шам-чирок бўлиб, умр йўллари ёритиб турди.

– Гоҳида айрим ёшларимизнинг бирор касб-хунари эгалламай, гўлдек умрларини ҳавога совириб юрганларини кўриб, ачинаиб кетаман, – дейди Ўролбой Холқулов. – Улар ўзларидан кейин қандай ном қолдиришар экан, фарзандларига қай тариха намуна бўлишаркин, деб ўйлаб қоламан. Ахир, умр инсонга берилган олий неъмат. Уни мазмунли ўтказиш бизларнинг бурчимиз. Мен ҳам кўп йиллардан бери бир

касбда ишлаб келаяпман. Лекин ҳеч нолимаганман. Ўз меҳнатим билан юртимга, халқимга нафим тегаётганидан хурсандман.

Умр йўлдоши Зубайраҳон билан беш фарзандни вояга етказишди. Хозир Дилафруз ота изидан бориб, комбинатда меҳнат қилляпти. Наргиза ва Дилноза қўли енгил ҳамширалар. Ўй бекаси Назираҳон фарзанд тарбияси билан банд. Яна бир қизи Умида эса қончилик коллежида аъло баҳоларга ўқимоқда.

Уша кўни Ўролбой Холқулов "Тошкент ҳақиқати" газетасини ўқиб ўтириб, кўзларига ишонмай қолди. Газетанинг ўша

сонида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларининг бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган бўлиб, унда бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида унинг ҳам исми-шарифи бор эди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими" фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Хурида МҲМНОВА.
СУРАТДА: Ўролбой Холқулов.

Даврон АХМАД олган сурат.

2010 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТАСИНING
ИНДЕКСИ – 205.



2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БАЛИҚЧИЛИК:

ИМКОНИАТ ВА САМАРА

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган ислохотларнинг

бош мақсадини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини, жумладан балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар юксак самара бераётир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб, аҳолининг гўшт, сут, ўн, ўсимлик ёғи, туҳум каби маҳсулотларга бўлган талаби тўла қондирилмоқда. Бозор сарфаларида йил давомида сархил мева, сабзавот, кукатлар узилмайдди. Уларни санитария-гигиена талаблари асосида сақлаш бўйича етарли

шароит яратилган. Айни вақтда, балиқ ва пархез гўшт маҳсулотларини кўпайтириш учун кўрилатган чора-тадбирлар туфайли асалари, балиқчилик ва балиқчилик тармоқлари сони ортмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 февралда қабул қилинган 2009-2011 йилларда балиқчилик тармо-

ғини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар дастури бу борада янги имкониятларни очмоқда. Мазкур ҳужжатда сунъий ва табиий сув ҳавзаларида балиқ ре-сурсларини кўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш, истеъмол бозо-рини балиқ маҳсулотла-

ри билан узлуксиз таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, балиқчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлашти-риш борасида муайян ишлар амалга оширил-моқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададнинг қўлайлиги мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 барабар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақиға қўшиладиган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақиға нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа туловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 барабар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатлариға мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инobatта олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январига ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилиши таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмараси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инobatта олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январига ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислам КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2009 йил 16 ноябр.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг меҳрли кутубхоначи" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

КУТУБХОНАЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида кўриш қобилияти чекланган кишилар учун етими еттига икти-сослаштирилган кутубхона хизмат кўрсатмоқда. Ушбу зиё масканларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, китоб захи-расини бойитиш, ахборот-лардан фойдаланиш қўла-мини кенгайтириш доимий эътиборда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг меҳрли кутубхоначи" республика кўрик-танлови ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар учун фаолият кўрсатаётган кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, улардаги маънавий-маърифий тадбирлар савиясини ошириш, соҳа ходимларининг илгор иш тажрибасини оммалаштириш, мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имкон яратишдан иборатдир.

Кўрик-танловда икти-сослаштирилган кутубхоналар ходимларининг касб малакаси ва маҳорати, билими, илгор технологияларни иш жараёнига қўллаш қўникмаси каби жиҳатларга асосий мезон сифатида ёндошилди.

Танловда Жиззах вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси ходимаси Шоира Ҳамидова биринчи ўринни эгаллади.

Ў.А.

ТАРҒИБОТЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўрта-махсус, касб-

хунар таълими муассасалари ўқитувчилари иштирокида ўтказилаётган "Энг фаол маънавий тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, энг яхши чора-тадбирлар режасини акс эттирувчи фотоальбомлар, буклетлар, қонун

ҳужжатларини пухта билиши билан ажралиб турган Тошкент тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи



директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фарида Казакова 3-ўрин, нутқий маҳорати, таъсирчанликка эришиш йўлидаги изла-нишлари, тажрибаси, мил-

лий ғоя тарғиботи ва ўтказилган тадбирларнинг хилма-хиллиги, долзарблиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг пухталигини эътиборга олиниб, Бўшағас асосан-ат ва транспорт касб-хунар коллежи директори ўринбосари Барно Жабборовва 2-ва ҳар томонлама намунавий чиқишлари, мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг сўнгги маълумотлардан оқилона фойдаланиш маҳорати, ташаббускорлик, фидойилик, ватанпарварлик, миллий гурур туғил-ларини шакллантиришдаги алоҳида жиҳатлари учун Бекобод шаҳар Қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи вакили Клара Сайдуллаевага 1-ўрин берилди. Иштирокчиларга баҳо беришда, шунингдек, уларнинг ҳар томонлама саводхонлиги замон билан ҳамнафас ҳозиржавоблиги ва ижодий маҳоратларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент Ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар; кўрик-танлов ғойиблари: (чапдан ўнгга) Каара Сайдуллаева, Барно Жабборовва, Фарида Казакова.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Қомусимиз – бахтимиз

ҚОНУННИ АНГЛАГАН ҚОҚИЛМАС

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мукаммал билиши шарт. Чунки ҳуқуқий демократик жамият сари дадил қадам ташлар эканмиз, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиб олсалар, фойдалан ҳоли бўлмайди. Зеро, бизнинг Қомусимизда шу мамлакатда яшовчи кишиларнинг конституцион ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкам қамолатланган.


Конституциямизнинг 15-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Зеро, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ана шу таъминчиларга мувофиқ иш кўрадилар. Ҳозирги кунда бизнинг бош мақсадимиз эркин, адолатли, ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат экан, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш учун Конституциянинг ҳар бир бандини кенг оммага, аинқас, илму маърифатни мукаммал ўрганишга инти-лаётган ёшларга сингди-риш асосий бурчимизга айланиши керак.

Мен хизмат қилаётган туман давлат нотариал идорасига кўнига қўлаб фуқаролар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилиша-ди. Биз эса, уларга имкон қадар қонун нуктаи назардан келиб чиқиб, жавоб

беришга ҳаракат қиламиз. Конституция ва нотариат тўғрисидаги қонун-қоида-ларни тушунириб бора-миз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий ҳуқуқ ва эркинлик-лар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар аниқ ифода этилган. Чунончи, "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб тан-лаш, адолатли меҳнат ша-роитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тар-тибда ишчилардан химоя-ланиш ҳуқуқига эгадир", дейилади 37-моддада.

Албатта, мамлакатимиз-даги ҳар бир фуқаро мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга. Чунки эгалик қилиш фу-қаронинг хоҳиш-иродаси-га боғлиқ. Бу ҳақда 53-модданинг 2-бандида: "Ҳусудий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳоллар-да ва тартибдагина мулк-дан маҳрум этилиши мум-



кин" ёхуд 54-моддада: "Мулкдор мулкига ўз хо-ҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик му-хитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахс-лар ва давлатнинг ҳуқуқ-ларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларини бузмаслиги шарт", дейилади.

Шуни алоҳида таъкид-лаш лозимки, нотариал идорамизга келиб-кетувчи-ларнинг аксарияти мулкка эгалик қилиш, мерос олиш, ишончномага эга бўлиш мақсадида мурожаат қи-лашади. Албатта, ҳар бир фуқарога эгалик қилиш ҳуқуқини қонун доирасида тушунириб борамиз. Бу-лардан ташқари, уларга ҳужжатларни нотариал идо-расидан ўтказиш тартиб-қоидалари ҳам батафсил тушунириб берилади.

Гулзира ШАРИПОВА,
Бекобод туман давлат
нотариал идораси
нотариуси.

Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси ўз эҳтиёжи учун замонавий Pentium IV русумли компьютер ва компьютер техникаларини сотиб олиш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун давом этади. Мурожаат учун телефонлар: 233-72-36, 232-00-34. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури шохқўчаси, 15-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги биносиди. 2-қават, 5-хона.

01 оғоҳлантиради

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ!

Ҳозирги кунда кўпчиликни ташвишга со-лаётган асосий муаммолардан бири газ мос-ламаларининг носозлиги ёки улардан фойда-ланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир.

Сўнгги пайтда ўтказилган рейдлар давомида фуқаро-лар уйларида 458 та носоз газ қурilmаларидан, 27 та ҳолатда газдан ноқонуний фойдаланиш аниқланиб, ҳужжатлар расмийлашти-рилди.

Айрим фуқароларимиз газ мосламаларидан фойда-ланиш қоидаларига риоя этмайдилар, бепарволик қилиб, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликка йўл қўя-дилар. Бу эса, аксарият ҳо-ларда, ўнглаб бўлмас оқибатларга сабаб бўлади.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2009 йилда вилоятимизда 1191 та ёнғиннинг 848 таси хона-донларда содир бўлган. Уларда 12 фуқаро ҳалок бўлиб, 74 киши турли да-ражада тан жароҳати олди.

Иситиш тизимларининг носозлиги ва улардан фой-даланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида 226 та,

электр ускуналари носоз-лиги ҳамда нотўғри фойда-ланиш оқибатида 395 та ёнғин содир бўлган. Мас-алан, Зангиота тумани, А. На-воий кўчасидаги Умаров-нинг уйида газ плитаси қаровсиз қолдирилганиги оқибатида ошхона томи ва шифти ёнган. Оққўрғон шаҳри, Ибн Сино кўчаси 48-уйидаги газ печи мўри-сининг носозлиги оқибати-да ошхона шифти ёнган.

Ёнғин билан боғлиқ бўлган бундай бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси яна бир бор эслатади:

– газ билан иситиладиган печларни мунтазам на-зорат қилиб туриш, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг;

– ясама ва носоз иситиш мосламаларидан умуман

фойдаланманг;

– газ мосламаларидан фойдаланишни ёш бола-ларга ишониб топширманг, илоҳи борица уларни уйда ёлғиз қолдирамасликка ҳаракат қилинг;

– газ плиталаридан хо-нани иситиш мақсадида фойдаланманг;

– ёнғин турган газ плита-си устида кир қуритманг;

– газ мосламаларига резина шланг улаб, бошқа мақсадларда фойдалан-манг;

– агар газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, бу ишни му-тахассислар орқали амалга оширинг.

Оловдан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ҳамма вақт серга-к ва хушёр бўлсанг, ёнғин-нинг олдини олсанг, ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Барно АЗИМОВА,
вилоят ёнғин
хавфсизлиги
бошқармаси нозир.

Соғлом она – соғлом бола

ОҚИБАТИНИ БИЛГАНИМДА ЭДИ...

Қўринишдан кўхликки-на, ёқимтой бу келинча-нинг армонли нидолари айнан шундай сўзлар билан тугайди. Йўқ, армонлари эмас, арзихол айтмоққа жазм этган кўнгил пушай-монлик зардоблари тўлиб кетган сабр қосасини кўта-ролмайд.

Гулҳаё ёшлигидан яқин-ларининг меҳр-муҳаббати, ардоғида улғайди. У оила-нинг ёлғизи, эрқатоий эди. Кўпроқ бувисининг тарбия-сини олган қизалоқ, ота-онасининг сояи давлатида яйраб ўсди. Қўрган қўзни қувонтириб, ўзгача завқ бе-радиган бу малаканин ош-иқлари ҳам бисёр эди. Аммо, орзулари осмон қиз-гина "ҳали ёшман, ўйнаб-қулишим керак, боланинг тағлиқларини ювиб ўти-ришга улгурман", дерди калондимоғлик билан. Ота-она эса ёлғизининг дабда-бали тўйи, бой-бадавлат қуда-андаларнинг борди-келдилари орузида қувё-танлаш билан овора. Казо-казоларнинг йиғинларидан қилишмайди, лекин улар топган "қувётўра"лар Гул-ҳаёга ёқмайди. Ўз хусини қўз-қўз қилиб, дугоналари-нинг ҳавасу ҳасадини кел-тириб юришдан чарчамай-ди. Ниҳоят, йигирма олти ёшида бир пулдорнинг хо-нанди ёлғизининг арзанда-сига никоҳланди.

У қадди-қамолига мах-лиё эр, қайнона-қайноталар хўрмати, эъзозидан талта-йиб, янада хою-ҳавасга бе-рилди. Гўзаллик салони унинг энг қўп вақтини ола-диган жой бўлиб қолган эди. Начора, инсон учун бе-риладиган қимматли умр, ҳаёт, тириклик ҳам бокйи эмас. Вақт ҳар бир қадами-мига ўз муҳрини босади. У қоматини шундайлигича сақлаш учун нималар қил-мади, дейсиз. Буш қолди деғунча, ойнаи жаҳондаги рекламалардан кўз узмас, ҳар бир матоҳини опкелти-риб, ўзида ойнаи кўради. Кундан-кунга "тўлишиб" бо-раётган вужуди ўзига ёқмай қолди. Ортиқча вазндан қутулиш учун суңийи озди-риш мосламасини фалон пулга сотиб олди.

Гулҳаёда болаликдан буйрак, жигар соҳасида етишмовчилик бўлиб, тур-мушга чиққан, уни безовта қила бошлаган эди. Озиш мақсадида олинган муола-жалар бу дардининг бош кўтарилиши сабаб бўлди. Дастлабки ҳомилини саккиз ой шифохонада ётиб, бир

амаллаб туғиб олди. Аммо, қизалоғининг тез-тез ка-салликка чалиниб қолиши, қолган вақтларини ҳам ши-фохонада ўтказишга мажбур этарди. Шу аснода 4-5 йил ўтди. У бошқа фарзанд кўролмади. Ўзи каби қизи-нинг ҳам ёлғиз ўсаётгани-дан дили гаш эди. "Ойи-жон, нега менинг укам йўқ?" деган саволларидан безиб қолган Гулҳаё кеча-кундуз "Э Худо, гуноҳим нима эди? Нега менинг оналик бахтимни кемити қилдинг, бошқаларнинг қў-ша-қўша ўғил-қизи бор. Менинг ёлғизим ҳам соғлом эмас", дея нола қиларди.

Ҳа, одамзотга хос хусу-сият бу: факат чорасиз қол-гандагина тақдирдан но-лийди. Аслида-чи, бемаъ-ни хою-ҳавас, баъзан қуш-қондан чиқиб кетадиган худбинлигимиз бизни не қўйларга солмайди, дейсиз. Қадди-қоматини сақлаш учун туғишдан вез кечса, оналик фарзини адо этишни хоҳ-ламай, боласига суңийи овқат берса, боз устига, хушбичим бўлайин деб, турли дориларни истемол қилаверса...

– Фалон фирманинг до-риларини кор қилар деб бирор муддат ичиб юрдим, – дейди эти суңяига ёш-ган рангпаргина аёл. – Оза-ман деб, не қўйларга туш-мадим. Охири керакли до-рини топдим, деб ўйлаб-ман. Энди эса, еганим та-намга татаймиди. Тинмайи овқат ейману қорним тўй-ганин сезмайман. Бир кун дорини стакандаги суғва солганимча икки соат қолиб кетибди. Энди ичмоқчи бўлсам, ичди аллақандай майда қурчлардан сузиб юрибди...

– Мен эса телевизор ка-налларидан бирида рекла-ма қилинган жуда қисқа муддатда оздирадиган мос-ламадан фойдаланган эдим, – дейди яна бир аёл. – Қорин, қовқудга оргиқа чиқолмай, шифокорга бор-сам, бачадондаги етишмо-вичлик авж олиб кетибди. Энди фарзанд кўриш ба-хтидан мусово бўлдим...

Ҳаётда бундай воқеалар оз бўлсада, ураб туради.

Хулоса шуки, барча кўргуликларимиз ўз ҳатола-римиз оқибати эканлигини аввалроқ идрок этишга оғизлик қиламиз. Табиат эҳсони, тириклик нъматла-рига шукроналик ҳам хато-ларнинг олдини олувчи фазилатлардан аслида.

Сайёра РАҲМОН.

ХИВА ЭЛЕКТРОН ҲУВЧИ

АҚШда кўзи оғизларга мўлжалланган овозли элект-рон ҲуВчи яратилди. "Ин-тел" компанияси кашфиёти бўлган бу қурилма олдида бирор матн қўйилса, у дар-ҳол ифодали ҲуВчи беради. Китебхон ҲуВчи тезлигини ўзи бошқаради. Маълумотларга қараганда, АҚШда 55 миллион одам кўзи хириллигидан шикоят қилади. Янги қурилма, табиийки, улар-га жуда қўл келади.

ТУРАРЖОЙЛАР СУВ ОСТИДА

Тайланд жану-лар тинимсиз ёнғингарчилик ту-файли содир бўлган қурилиш тош-қини ундан зиёд одамни ҳаётдан олиб кетди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Юз мингдан ортиқ киши бошпанасиз қолди. Бир ҳафтадан буён давом этаётган табиий офатдан, ай-ниқса, Наратхиват, Яла ва Патани туман-лари катта зиён кўрпяти. Минглаб турар-жой биноси, катта-катта экин майдонлари сув остида қолди. Сув сатҳи икки метрга етди. Ҳукумат жабрланганларга молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

ОРОЛДА САРОЙ ҚОЛДИҚЛАРИ

Археолог-лар Япония-лар Хонсю ороли жану-бида қадимий сарой қол-диқларини топди. Эра-миздан ав-валги III ас-ра оид мазкур саройнинг биргина ки-риш қисми 238 квадрат метр экан. Ар-хеологик тадқиқотлар раҳбари Хироно-бу Исониинг сўзларига кўра, ушбу сирли сарой ҳукмдор аёл Химио учун қароргоҳ вазифасини ўтаган. У бошқар-ган Яматай салтанати уша пайтда қуд-ратли давлат бўлган.

МУЗЕЙГА КИРИШ БЕПУЛ

Франция ҳуку-мати мамлакат му-зейларига бепул кириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳужжат 18-25 ёшли йи-гит-қизларга мам-лакатдаги элликта йирик музей ва кўплаб тарихий обидаларни бе-пул зиёрат қилиш ҳуқуқини беради. Бундан мақсад ёш авлоднинг миллий қадриятларга, урф-одат ва тарихга қизиқиш ва ҳурматини янада оши-ришдан иборат.

Ў.А.

Утеранный план на квар-тиру по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, квар-тал 19, д. 28, кв. 80, вы-данный БТИ Чиланзарско-го района г. Ташкента на имя Миррахимова Шавката Убайдуллаевича и оригинал договора купли-продажи (реестр № 2-903), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Таш-кентская правда» газетлари жамоаси таҳририят фаҳрийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Назармат ЭҒАМНАРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур таъзия изҳор этади.

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт стадионида ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтказилган саралаш ўйинида Ўзбекистон терма жамоаси малайзияликлар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Учрашувнинг биринчи бўлимида дарвозалар дахлсиз қолган бўлса ҳам иккинчи таймининг илк дақиқаларидаёқ терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров ҳисобни очиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Қирқ олтинчи дақиқада Азиз Иброҳимов ўрнига тушган Александр Гейрих икки марта рақиб дарвозасини ишғол қилди. Кетма-кет киритил-

ган учта голга рақиб терма жамоаси аъзоси Муҳаммад Зақуан Адҳа бир марта жавоб қайтара олди ва ушбу учрашувдан кейин олти очко тўплаган Ўзбекистон терма жамоаси "С" гуруҳи пешқадамига айланди.

Энди мазкур жамоалар бугун Куала-Лумпурда ўзаро беллашади.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири.

ЁШЛАР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмағараси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими ва зирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Янги авлод – 2009" болалар ижодиёти республика фестивалининг тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича иштирокчилари ижодида бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол шахс сифатида тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ҳукумат ёшларга билим беришнинг барча йўналишлари каби бадий таълимни изчил ривожлантириш, тасвирий санъатга иштирослашган мактаблар, коллеж ва лицейлар, болалар бадий ижодиёти марказлари, муҳташам галерейлар, кўргазма заллари барпо этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса ўғил-қизларнинг маънавиятини оқсатириш, диди ва тафаккурини янада бойитиш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон тасвирий санъатининг энг юксак на-

муналаридан баҳраманд бўлишга имкон яратмоқда. Ўртимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали санъатнинг бошқа йўналишлари каби тасвирий ва амалий санъат соҳасида изланаётган иқтидорли ёшларни аниқлашга хизмат қилмоқда. Кўргазмадан фестивалнинг якуний босқичида иштирок этаётган, эллик нафарга яқин ёш ижодкорнинг икки юздан ортиқ асари ўрин олган. Улар тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кулчилик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишлардаги ранг-баранг ишлардир.

Фестивалнинг якуний гала-концерти кеча "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтди.

ЎЗА.

Одамлар бўлади – сув қаёққа қараб оқса, ўша томонга қараб кетаверади. Бу сув қаёққа кетаяпти, нега кетаяпти, мен ҳам қўшилиб оқиб кетаверсам, охири нима бўлади, деб бир оғиз фикр ҳам қилиб қўйишмайди.

Мана, Аҳаджон қитмир. Қорни катта дуторни чертиб ашула айтади. Аммо зигирча бўлсин фикр чиқмайди. Нима десангиз ҳам, "Тўғри, акагинам, тўғри", дейди, вассалом.

Ўлжавой ака бўлса, қайроқни уйнайди, шиклдоқни сайратади. Энг асосийси, фикр деганлари калласида дарё мисоли оқади! "Бугун ҳаво очик бўлади", десангиз, "Йўқ, бугун ҳаво ё очик бўлади ёки ёпиқ", деб дарҳол эътироз билдиради. Камига, "Бу менинг шахсий фикрим", деб қўшиб ҳам қўяди.

Бошчилигимиз Бўрибосар акани ишдан олишганда ҳам биринчи бўлиб фикр айтган киши Ўлжавой ака бўлди:

– Тўғри иш қилишди! Биз маданият ходимларимиз. Бўрибосар ака, бизга келгунча чорвачилик фермасини бошқарган экан. Ферма қаёқда-ю, маданият уйи қаёқда? Аникроғи, маданият улашиш қаёқда-ю, мол боқиш қаёқда. Икковининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор – бу менинг шахсий фикрим.

Аҳаджон қитмир гапини куйга солиб уни қувватлади:

– Тўғри, акажон, тўғри. Олиб қилишди тўғри. Энди у кишини вилоят бўлимига бошлиқ қилишармиш, тўғри! Ўлжавой ака дастурхондай дастурхонлини олиб, аввал бурун, сўнг юз-қўла-рини обдон артиб, дарҳол фикр қилдилар:

– Бир томондан олганда маданият уйини маданият институтини тамомлаган одам бошқариши керак, деган гап ҳам унчалик тўғри эмас. У зоотехники ёки курувчи, гап раҳбарлик лаёқатида. Маданият уйи ҳам бир жамоа, чорвачилик фермаси ҳам. Бўрибосар

маданиятнинг бахти – бу менинг шахсий фикрим.

Аҳаджон хиргойисини давом эттирди:

Тўғри, акажон, тўғри. Олишиб ҳам, қўйишиб ҳам қилишди, тўғри.

Эртасига Аҳаджон қандайдир шеърни қироат билан ўқиганча хонага кириб келди:

"Ватан нимадир деб туддинг суроққа, Дучор бўлмагин-эй, болам, фироққа. Кетар бўлсанг агар юртдан йироққа, Ортингдан дод солган боланг Ватандир".

Ўлжавой ака пилдираб унинг олдида бординда, секин савол ташлади:

– Янги қўшиққа ҳаракатми, Аҳаджон укам?

– Йўқ, бу шеър қўшиқ бўлмайди, аммо Ҳамид Жалилниқ.

Ўлжавой ака қўл силтади. – Ҳа, энди Ҳамид Жалил ўзимизнинг шоир бола. Тошкентга бормагунча кўкармайди. Мана шунақа

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Мурод Иноятлов ва Сабино Шарипова Малайзия ҳамда Хиндистонда ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари ғалаба билан бошлады.

Куала-Лумпур шаҳрида ташкил этилган "Фьючерс" туркумидаги турнирда юртдошимиз М. Иноятлов жуфтликлар баҳсида хорватиялик Марин Брадарич билан ҳамкорликда ўйнамоқда. Иккинчи рақамдаги маз-

кур дуэт дастлабки босқичда Жанубий Кореядан келган Сан Ву Нох ва мезбонлар вакили Ашари Зайнални 6:0, 4:6, 10:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Пунада (Хиндистон) хотин-қизлар иштирокидаги нуфузли

турнирда қатнашаётган С. Шарипова ҳам жуфтликлар баҳсини омадли бошлади. Ҳамюртимиз мезбон теннисчи – Прерна Бхамбри билан бирга дастлабки баҳсда хиндистонлик Айшвария Агравал ва Швита Рана жуфтлигидан 6:2, 2:6, 10:5 ҳисобида устун келди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА шахрловчиси.

Маънавият

Халқимиз азал-азалдан ўзининг миллий урф-одатлари, анъана, маросимлари билан жаҳон элатлари ичида муносиб ўрин эгаллаган. Аждодаларимиз қолдирган юксак маънавий меросимиз, бадий адабиётимизнинг ажиб дурдоналари ва Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ранго-ранг намуналари – мақоллар, топшиқлар, халқ қўшиқлари, латифалар, афсоналар, дostonлар бизнинг қандай миллат эканимиздан сўзлайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди илманил хил-хил жанрлардан таркиб топган сўз санъатидир. Унда халқнинг дунёқараши, бадий заъки, орзу интилишлари акс этади. Халқ оғзаки ижодида муносиб ўрин эгаллаган алла ҳам ўзининг фарзанд тарбиясида тутган ўрни билан қадрланади.

Жағрағўшасига қалб қўрини бахш этиб, бешик тебратаетган она алласи орқали мурғак бола ҳаётни танийди, илк бор қалбида меҳр-муҳаббат каби туйғулар уйғонади.

"Алла" сўзининг маъносини "овутиб, авайлаб ухлатиш" демакдир. Аммо, алла ижтимоий-эстетик моҳиятига кўра икки вазифани бажаради. Биринчидан, болаларни ухлатиш мақсадида алла айтилса, иккинчидан боланинг тарбиявий-эстетик дунёқарашини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино алланинг бу хусусиятини минг йил илгарийек пайкаб, шундай эшитган эди: "... боланинг (мижозини) қизиқтириш кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Биринчи – болани секин-аста тебратиш, иккинчиси – уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган оҳанг (музыка)да алланинг. Шу иккисини қабул қилишга қараб болада бадантарбия ва мусиқага

бўлган истисно ҳосил қилинади".

Одатда аллалар болаларнинг эмизчилиги давридан то 3-4 ёшга тўлгунларча айтади. Авлодлардан авлодларга ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, орзу-умидларини, истак ва хоҳишларини ифодалаб келаяётганига қарамай, аллаларнинг қанчон пайдо бўлгани Ўзбек фольклоршунослигида ҳозиргача но-

қўтаринчилик бўлса, ҳаммаси бор".

Хали сўзни англаб етмаган бола учун алланинг сўзи эмас, ёқимли куйи муҳимдир. Аммо алла сўзларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди, унда она қалбининг нидолари акс этган бўлмоғи лозим. Чунки, шу сўзлар билан қалбга яхшилик, эзгулик уруғлари сочилади.

НЕГА АЛЛА АЙТИЛАДИ?



маълум. Бироқ унинг қандай маънавий эҳтиёж тўғрисида юзага келганини А. Ветухов шундай изоҳлаган: "Она ўзининг турму сазғирлиги билан бола учун фақат тинчлантирувчи ёрқин ва бир хил оҳангдаги қўшиқ кераклигини англайди. Шу зайдда алла шакли юзага келади. Ўша оналик сезгилири алланинг қандай мазмунга эга бўлишини айтиб туради – унда оналик қалбида қандай

Боланинг руҳиятига каттик таъсир этувчи аллани шунчаки айтиб бўлмайди, уни ҳароратли оҳангда куйлаш керак. Мана шу хислат сабаб аллалар боланинг маънавий улағишига хизмат қилади. Шунингдек, уларда эркалашга мойиллик кучли бўлади. Бу куч боланинг келажакда меҳр-оқибатли, имон-эътиқод каби инсоний фазилатлар эгаси бўлиб етишишини

КИНОЧИЛАР МУЛОҚОТДА

Республика Киночилар уйида ҳужжатли кино ижодкорларининг туртинчи минтақавий семинари бўлиб ўтди.

Ушбу семинардан қўзланган асосий мақсад ҳужжатли кино ижодкорларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, соҳада эришилган янгилик ва ютуқлардан халқимизни баҳраманд

этиш, кино ихлосмандлари эътиборини бугунги кунда соҳада олиб борилаётган жараёнлар билан яқиндан таништиришдан иборатдир. Семинар доирасида юрти-

миз ва Марказий Осиё давлатлари киночилари томонидан тайёрланган янги фильмлар намойиш этилиши баробарида ижодкорлар, санъатшунослар, режиссёрлар иштирокда анжуманлар, ижодий мулоқотлар ўтказилди.

ЎЗА.

Ўйлаб топилмаган ҳикоя

ПОЙТЕША

– Искандар, хой Искандар, уйдимасан? – кўчадан таниш товуш эшитилди. Ичкари уйда болишга ёнбошлаганида, чой ичаётган Искандар оёғига шиппагини олиб, ташқарига чиқди. Ҳовлида қўшниси Усмонали турарди.

– Эй, кел, Усмонали, соғ-саломат юрибсанми? Келин, бола-чақа омонми? – Раҳмат, қўшни. Ўзингдан сўрасақ? Бу, анчадан бери қамнамасан? Ишга жуда шўнғиб кетгандан чоғи, чойхонада ҳам кўринмай қолдинг?

– Кани, уйга кир, чой тайёр, – Искандар қўшини ичкарига таклиф қилди.

– Раҳмат, қў бўлса, ичармиз. Бир юмуш билан қикдим. Раҳматли отанг кишлоғимизнинг энг донгдор усталаридан эдилар. У кишининг жуда зўр пойтешаси бўларди. Шу дегин, молхона солаётгандим, деворини кўтариб қўйганимга анча бўлди. Энди кесиб қўйган теракларимни чошиб, тўсин солиш қолган. Шу пойтешанинг бериб турсанг.

– Бу – отам раҳматлидан ёдгорлик. Нега йилдириб, авайлаб-асраб келаман...

– Бўлди, дўстим, тушундим. Ишимни бажараман-у, қайтараман. Гап битта, ошана.

Искандар пойтешани Усмоналининг қўлига тутқазди. Орадан бир ой ўтиб кетди, қўшни томини ҳам ёпиб олди. Лекин пойтеша эгасига қайтарилмади. Бу орада уни кимга берганлиги Искандарнинг ёдидан ҳам чиқиб кетди.

Қўнлардан бир кун пойтеша керак бўлиб қолди. Искандар ахтариб тополмай, фиғон фалакча қилди.

Ишдан сўнг Янгибозордаги Охун ақанинг чойхонасида дўстлари билан улафатчилик қилиб, аллама-ҳалгақа қилиб кетди. Тун яримдан оғанда уйга қайтди. Девордош қўшниси Усмоналининг молхонасида негадир чироқ ёниб турарди. Ола говиши арқонидан бўшаб, экинларни пайхон

Совместное предприятие "Xalqaro energetic ittifoqi Konsorsiumi" в форме общества с ограниченной ответственностью (СП ООО "Консорциум МЭС"), зарегистрированное Министерством Юстиции № 1267 от 21 апреля 2006 г. (ИНН 204550598, ОКПО 19065108, в соответствии с протоколом собрания учредителей от 16 ноября 2009 г.)

ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Мухомиди, д. 98. или по тел.: 280-56-12.

Утерянный план дома по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Домбарабад, 2-проезд, дом 15, выданный БТИ Чиланзарского района г. Ташкента на имя Тельвановой Зои Федоровны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Рассом ханааси



– Оғайнижон, операциядан бош торт. Мана мен отга ўйшаб текис бўлмоқчи эдим, энди аҳволимни кўргин!

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Нашр индекси – 205.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Буюртма Г-1040. Адади 4177.

Манзиллигимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Корхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДХУҲАЕВ

ISSN 2010-9318.